O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 14-may • Shanba • 60 (27.395) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Мамлакатимизнинг «кекса» саноат корхоналаридан бири — Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси 125 йиллик тарихга эга.

Бозор иқтисодиёти ва рақобат корхона фаолиятини янгилашга ундади. Чунки ўтган бешолти йил мобайнида ишлаб чиқаришда кескин оқсаш сезилди. Айниқса, сўнгги икки йилда маҳсулот тайёрлаш 250 тоннага тушиб қолди. Натижада мамлакатимиз истеъмол бозорига чет элда ишлаб чиқарилаётган турли хил таъм берувчи химикатлар аралашмаси билан тўйинтирилган чой маҳсулотлари кириб кела бошлади.

Ҳукуматимизнинг корхона фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш борасидаги махсус қароридан сўнг, «Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси» масъулияти чекланган корхонага айлантирилди. Унга Америка Қўшма Штатларининг «All Americas Inc.» компанияси томонидан 6 миллион 400 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди.



# САМАРҚАНД ЧОЙИ САВДО ПЕШТАХТАЛАРИДА

## СЎНГГИ 5-6 ЙИЛДА ДЕЯРЛИ ТЎХТАБ ҚОЛАЁЗГАН ФАБРИКА ЯНА ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШ БОШЛАДИ



Замонавий техника воситалари ва янги технология линиялари билан қайта жиҳозланди. Хорижда малака ошириб қайтган маҳаллий мутахассислар жаҳон андозалари даражасида иш юритиш тартибини ҳам ўзлаштириб олдилар. Айни кунларда бу ерда Шри-Ланка, Ҳиндистон ва Хитой сингари мамлакатларда етиштирилган энг олий навли кўк ва қора чой маҳсулотлари қадоқланмоқда. Боз устига, корхонада янги иш ўринлари сони ортиб, 300 нафардан зиёд киши муқим иш жойлари билан таъминланди. Энг муҳими, мамлакатимизга четдан кириб келаётган чой маҳсулотлари ҳажми камайиб, миллий валютамизни тежаш имкони яратилди.

— Ҳозир йигирма турда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган жамоамиз аъзоларига 18 нафар украиналик тажрибали мутахассис мураббийлик қиляпти, — дейди **корхонанинг Самарқанд бўлими раҳбари Шавкат Бакиев.** — Улар ҳамкорликда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирмоқдалар. Тўла қувват билан ишлаётган корхонамиз маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларига етиб бормоқда. Шунингдек, маҳсулотларимиз бозордаги чойларга нисбатан 20 фоиз арзон.

**Ирода РЎЗИЕВА, корхона чой қадоқловчиси:**

— 5-6 йилдан буён деярли тўхтаб қолган цехларимизда яна ишлар юришиб кетди. Ишчи-хизматчилар ҳар бири ўзлари бажараётган вазифаларига қараб ўртача 60-75 минг сўмгача маош олишаяпти. Иш жойларимиз тоза, озода. Меҳнат шароитлари яхши. Шу йилнинг ўзида 10 минг тонна сифатли чой маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



***Суратларда:*** *қадоқлаш цехида иш қизғин; корхона раҳбари Шавкат Бакиев ишчилар билан маҳсулот сифатини кузатмоқда; қадоқловчи Ирода Рўзиева.*

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар**

Парламент фаолияти

# ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган халқ учун бош масаладир. Дарҳақиқат, кучли давлат кучли жамиятга айланишида фуқаролардан, энг аввало, ҳуқуқий саводхонлик талаб қилинади. Бунга эса ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш орқали эришиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида бўлиб ўтган йиғилиш ҳуқуқий хизмат кўрсатишга қаратилган қонунлар ижроси самарадорлигининг Навоий вилоятида ўрганилиши натижаларига бағишланди. Қўмита ишчи гуруҳининг маълум қилишича, бу борада вилоятда эришилган ютуқлар билан бирга анчамунча муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи муассасалар, хусусан, адвокатура идораларининг иш шароитларини яхшилаш зарур. Шу кунгача вилоят адвокатура ҳайъати ўз биносига эга эмас. 810194 киши истиқомат қиладиган вилоятда бор-йўғи 87 адвокатнинг фаолият юритаётганлиги аҳоли эҳтиёжини мутлақо қониқтирмайди. Давлат томонидан тайинланган адвокатлар харажатлари бўйича шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра маҳаллий бюджетнинг 5454267 сўм миқдорида қарзи борлиги ташвишланарли ҳолдир.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятида гербли гувоҳномаларнинг 3 тилда — ўзбек, инглиз ва рус тилида ёзилиши ҳамда хусусий тиббиёт муассасаларида бола туғилганлиги ҳақидаги маълумотномани гербли муҳр билан тасдиқлаш талаби белгиланганлиги амалдаги қонунларга мос келмайди. Бу фуқароларнинг ўринли эътирозига сабаб бўлмоқда. Шаҳарча, қишлоқ, овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш ва оталикни белгилаш каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш қонунларда белгиланганига қарамасдан, амалда вилоятда бу ҳуқуқдан фойдаланилмаяпти.

Йиғилишда шу каби қатор масалалар муҳокама этилди. Вилоят мутасаддилари, тегишли орган ва идораларга қатор тавсиялар берилиб, қўмитанинг ушбу масала бўйича қарори қабул қилинди.

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

# БАДЕН-ВЮРТЕМБЕРДАН САЙЁҲЛАР КЎПАЯДИ

Штутгарт шаҳри халқаро аэропортининг анжуманлар марказида Ўзбекистон туристик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот «Gint-f-tour» сайёҳлик компанияси томонидан ташкил этилди. Унда Баден-Вюртемберг федерал ўлкасининг 60 дан ортиқ вазирликлари ва муассасалари масъуллари, йирик компания ва фирмалар, шунингдек суғурта агентликлари ва банк тизими вакиллари иштирок этишди.

Тақдимот маросимини республикамиз гуроператорлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётган «Gint-f-tour» компаниясининг бош директори Ахим Швебель очиб, йиғилганларга Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларига компания томонидан янги сайёҳлик лойиҳалари тўғрисида маълумот берди.

Штутгарт «Лиден музеум» этнология музейи собиқ директори профессор Петер Тил сўнгги йилларда Ўзбекистонга қадам ранжида қилаётган хорижлик сайёҳлар сони тобора ортаётганлигига ва уларнинг ярмидан кўпроғини ГФР фуқаролари ташкил этишига алоҳида урғу берди. У шунингдек, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти чет эллик меҳмонларга нафақат мамлакатшунослик, тарихий, тадқиқот соҳаларида, балки экология, тоғ, даволаниш ва табиий туризм соҳаларида ҳам кенг имкониятлар яратишини қайд этди.

Ўзбекистон элчихонаси вакиллари тақдимот қатнашчиларига мамлакатимизнинг туристик соҳаси истиқболлари ҳамда барча турдаги сайёҳлик визалари берилиш тартибининг енгиллаштирилгани ҳақида маълумот беришди. Маросимда республиканинг туристик салоҳиятига доир ахборот ва реклама материаллари тарқатилди.

**«Жаҳон» АА**

БЕЛЬГИЯ:

# ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

Яқинда Европанинг миллионлаб томошабинга эга бўлган икки телеканалида Ўзбекистонга бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Томошабинлар Бельгия телевидениесининг биринчи канали RTBF (Бельгиянинг француз тилида сўзлашувчи жамоатчилиги телерадиокомпанияси) орқали ушбу телеканал, «Ўзбеккино» агентлиги, ҳужжатли фильмлар студияси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Дюн ва Лефпфрог» телекомпанияси томонидан суратга олинган «Самарқанд» ҳужжатли фильмини кўришга муваффақ бўлишди. Унда Буюк ипак йўлининг марвариди ҳисобланган ўлканинг афсонавий тарихи тўғрисида ҳикоя қилинган. Фильм муаллифи ва режиссёри — Джером-Сесил Оффре.

Фильмда Самарқандни ўз давлатининг пойтахтига айлантириб, бу ерда оламшумул бунёдкорлик ишларини амалга оширган Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурнинг шаҳар тарихида тутган ўрни ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Ўзбек кино усталари томонидан яратилган Амир Темур тўғрисидаги бадиий фильмдан лавҳалар келтирилади.

Шунингдек, Европанинг маданият ва санъат соҳасига ихтисослашган «АРТЕ» оммабоп телеканали ўз мухлислари эътиборига «Ўзбекистон: Марказий Осиёнинг юрагига саёҳат» номли ҳужжатли фильм премьерасини ҳавола этди. Ушбу фильм немис режиссёри Томас Вадманн раҳбарлиги остидаги ижодий гуруҳ томонидан суратга олинган бўлиб, унда Сурхондарё вилоятининг Бойсун қишлоғи аҳолиси турмуш тарзи акс этган.

Қодир Бекмуродов ва унинг Сумбула исмли қизи ҳақида ҳикоя қилиш орқали барча бойсунликларнинг кундалик ҳаёти, уларнинг она юртга бўлган чексиз муҳаббати ва садоқати кўрсатилади. Фильмда гўзал тоғ манзаралари билан бир қаторда, халқ ҳунармандчилиги, анъаналари, урф-одатлари, қўшиқ ва рақсларига ҳам кенг ўрин берилган.

Айниқса, от спорти турига мансуб «кўпкари», «улоқ» каби ўйинлардан олинган лавҳалар томошабинлар диққатини ўзига тортиши шубҳасиз.

Европа ва, хусусан, Бельгия телетомошабинларини мамлакатимиз билан яқиндан таништириш бундан кейин ҳам давом этаверади. Зеро, айни пайтда Бельгиянинг Фландрия телевидениеси иккинчи канали ижодий гуруҳи Ўзбекистонга сафарга отланган. Ўзбекистонда суратга олинадиган фильмлар бельгиялик кино усталари томонидан яратилажак «Инсоният тарихининг бошланиши» номли янги лойиҳанинг бир қисмини ташкил этади.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
*Брюссель.*

# АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 13 май куни эрта тонгда Андижонга етиб борди. Давлатимиз раҳбари аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишли ташкилот ва идораларга содир бўлган вазиятни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди.

Шу куни кечқурун Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

●●●

Аввал хабар берилганидек, 2005 йил 13 майда, соат 00.30 ва 01.00 оралиғида бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар пост-патруль хизмати навбатчи қисмига ва Андижон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмга ҳужум қилди. Ўнлаб ўқотар қуролларни қўлга киритган босқинчилар ахлоқ тузатиш колонияси ҳудудига ҳужум уюштириб, ҳибсхоналардан бир гуруҳ маҳбусларни чиқариб юборди. Дастлабки маълумотларга кўра, тўқнашув оқибатида 9 киши ҳалок бўлган ва 34 киши жароҳат олган.

Вилоят ҳокимлиги биносида ўрнашиб олган жангарилар билан ҳукумат вакиллари ўртасидаги музокаралар кун бўйи давом этди. Музокаралар жараёнига жамоатчилик вакиллари, жангариларнинг қариндош-уруғлари ва манфаатдор шахслар қўшилди. Аёллар, болалар ва гаровга олинганларни ўзига пана қилиб олган жангарилар можароли вазиятни келишув асосида ҳал қилишдан бош тортди.

Вужудга келган вазиятни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

**(ЎзА)**

# «ЭВРИКА-LEARN» ЎҚУВ МАРКАЗИ

Навоий вилоятида истеъдодли ёшларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида «Эврика-Learn» ўқув маркази ташкил этилди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар ўқитувчилар олдига катта вазифалар қўймоқда. Чунки, давлат таълим стандартларини ўқув жараёнига татбиқ этишдек улкан масъулият уларни тинимсиз изланишга, ўқитишнинг самарали услубларини амалиётга татбиқ этишга ундамоқда.

Ўқув марказига Америка, Австралия, Жанубий Корея каби мамлакатларда бўлиб, республикамизда қўлланиши мумкин бўлган илғор педагогик технологияларни ўрганиб қайтган ўқитувчилар жалб этилган. Марказ иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири**

Спорт

# ПЕКИНГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ

## БУГУН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНАДИ

— Аввало ушбу нуфузли мусобақа мезбонлигига Ўзбекистондан ташқари қитъамизнинг Хитой, Япония, Жанубий Корея сингари бир қатор давлатлари ҳам даъвогарлик қилганлигини таъкидлашни истардим, — дейди Осиё Дзюдо уюшмаси вице-президенти, Атланта (АҚШ) Олимпиадаси кумуш медали совриндори Армен Багдасаров. — Аммо Осиё Дзюдо уюшмаси қитъа чемпионатини ўтказиш учун Тошкентни танлади. Бунга Ўзбекистонда сўнгги йилларда ҳар хил спорт турлари бўйича йирик халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларининг зўр муваффақият билан уюштирилаётганлиги сабаб бўлди. Шу ўринда икки йил муқаддам дзюдо бўйича пойтахтимизда ўтказилган «Toshkent open» халқаро турнири ҳам мутахассислар томонидан юксак баҳоланганлигини айтиш лозим. Эътиборли жиҳати, бу мусобақа олимпия ўйинлари туркумидаги баҳслар сирасига киради. Тошкент гиламларида беллашадиган дзюдочилар 2008 йили Пекин (Хитой)да бўладиган XXIX ёзги Олимпиада йўлланмаси учун дастлабки очколарни қўлга киритишади. Шу боис, мамлакатимизда ўтаётган Осиё чемпионатида қитъамиздаги давлатларнинг терма жамоалари энг кучли таркиб билан иштирок этиши кутилмоқда.

Ўзбекистонда илк маротаба уюштирилаётган бу қитъа чемпионатида Япония, Эрон, Хитой, Жанубий Корея, Мўғулистон, Шимолий Корея сингари йигирма бешдан ортиқ мамлакат дзюдочилари гиламга чиқадилар. Икки кун давом этадиган мазкур мусобақада 200 нафардан ортиқ спортчи — эркаклар ўртасида саккиз (60, 66, 73, 81, 90, 100, +100 кг. ва мутлақ), аёллар баҳсида ҳам шунча (48, 52, 57, 63, 70, 78, +78 кг. ва мутлақ) вазн тоифаларида ғолиблик учун баҳс юритишади.

4-бет



TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

**ЎзХДП янгиликлари**

# УСТАВГА РИОЯ ҚИЛИШ

## учун унинг қоида ва талабларини билиш зарур

Маълумки, партиянинг IV қурултойида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Устави (янги таҳрири) тасдиқланган эди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида жорий йил февраль ойининг охирларида Уставнинг расман рўйхатга олиниши билан, у кучга кирди. Эндиликда, партиямизнинг бутун ҳаёти ва фаолияти ушбу ҳужжатга мувофиқ бўлмоғи керак. Албатта, бунинг учун уни яхши билиш, билиш учун эса, ўз навбатида қунт билан ўрганиб чиқиш талаб қилинади.

Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ҳайъати «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави (янги таҳрири)ни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Ушбу қарор билан МК Сиёсий ижроқўми Ҳайъати Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари зиммасига партиянинг барча тузилмаларида Ўзбекистон ХДП Устави (янги таҳрири)ни ўрганишни ташкил этиш вазифасини юклади. Ушбу мақсадда бошланғич партия ташкилотларида ХДП аъзолари томонидан Уставни жамоавий тарзда ўрганишни йўлга қўйиш, кам сонли ташкилотларда ҳисобда турувчи партиядошларни махсус гуруҳларга бирлаштириш тавсия этилди.

Сиёсий ижроқўм Ҳайъати машғулотларнинг мазмуни ва савияси юқори бўлишини таъминлаш мақсадида тарғиботчиларни тажрибали партия фаоллари, зиёли ва хизматчилардан танлаш, уларга ахборий-услубий кўмак бериш лозимлигини таъкидлади. Марказий Кенгаш аппаратининг тегишли бўлинмалари ва «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятига партия Устави (янги таҳрири)ни ўрганувчиларга ёрдам тариқасида мақолаларни тайёрлаб чоп этиш топширилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

**Парламент фаолияти**

# ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилишида «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро вилоятида ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Бухоро вилоятида бу борада қатор ишлар амалга оширилган. Нафақат давлат, балки идоравий ва хусусий ветеринария хизматлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Вилоят миқёсидаги йўлларда 4 та ветеринария-санитария пости ташкил этилган.

Депутатлар ишчи гуруҳи мазкур масалани ўрганиш давомида вилоят давлат ветеринария хизматида 183 олий, 248 ўрта маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатиши маълумот сифатида қабул қилинди. Кадрлар етишмаслиги оқибатида ветеринария участкалари врачлар билан 54 фоиз таъминланган. Вилоятда ҳайвонлардаги юқумли касалликларнинг олдини олиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган биопрепаратлар ва дори-дармонлардан фойдаланиш аҳволи ҳам қониқарли эмас. Чорва моллари турли касалликларга қарши тўлиқ эмланмаган. Тумандардаги ветеринария бўлимларида керакли жиҳозлар етишмайди. Мавжудлари ҳам замон талабларига жавоб бермайди...

Ушбу масала юзасидан кўплаб саволлар туғилиши табиий. Уларга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Оловутдин Ибрагимов, Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Собир Ашуров, Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Мурoджон Умаров, вилоят давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Қаюм Фозиловлар атрофлича жавоб бердилар. Қонунчилик палатаси депутатлари ўзларининг ҳақли саволларини ўртага ташладилар. Баҳс-мунозаралар бошланди.

***Савол: 2003 йилга нисбатан 2004 йилда «Ветеринария тўғрисида»ги Қонун бузилиши ҳолатлари кўпайган. Лекин уларга ҳар доим бир хил жазо қўлланилган. Нима, қонун фақат бир хил ҳолатда бузилганми? Агарда қонун талаблари ҳар хил кўринишда бузилган бўлса, нега бир хил чора кўрилган?***

**Жавоб:** Яқинларгача вилоят ҳудудида фақат битта ветеринария назорат пости бор эди. Ҳозир эса вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда яна 4 та шундай пост ташкил этилди. Шу туфайли қонун бузилишларини аниқлаш имконияти кўпайди. Уларнинг барчаси бир хил кўринишга эга эмас. Айримлари устидан прокуратура идораларига ҳам мурожаат қилганмиз.

***Савол: Бухоро вилоятида хусусий ветеринария дорихоналарини очиш бўйича 11, зооветеринария пункти фаолияти учун 9 нафар шахс лицензияга эга экан. Бу вилоят миқёсида жуда кам эмасми? Агар тадбиркорларга кенгроқ йўл очиб берилса, уларнинг сони кўпайиб, хизмат сифати ҳам яхшиланмайдими?***

**Жавоб:** Бу ишлар билан шуғулланиш учун лицензияни Давлат ветеринария бош бошқармаси беради. Бу борада лицензия сўраб ариза берганларнинг сони кўп. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан биз фақат олий маълумотли ветеринар врачга лицензия бера оламиз. Мурожаат қилаётганларнинг аксарияти эса ўрта маълумот эгаларидир. Савол жуда ўринли қўйилди. Бугунги кунда Бухоро вилоятида 132 та зооветпункт ишлаб турибди. Келажакда улар ҳам фаолият турига қараб лицензия олишлари керак. Айни кунда лицензия билан ишлаётганлар жуда кам. Бу ҳам ўзига хос жиддий муаммо. Балки уни ечиш учун маълум иш стажига эга бўлган ветеринария техникларига ҳам лицензия бериш керакдир.

***Савол: Ушбу тизимдаги кадрлар масаласи вилоятда қандай ҳал қилинаяпти?***

**Жавоб:** Бугунги кунда Қоровулбозордан бошқа барча туманларда соҳа бўйича мутахассислар тайёрлайдиган коллежлар фаолият кўрсатаяпти. Уларни битираётган ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга киришга даъват этаяпмиз...

Бевосита кадрлар масаласига қаратилган кўпгина саволлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутасаддиларига тегишли бўлди. Аммо бу идора вакиллари мажлисда иштирок этмаганлиги сабабли улар очиқ қолди...

●●●

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши 2003-2004 йиллар ва 2005 йилнинг биринчи чораги мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини ўрганиш юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунларига бағишланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Ватанпарвар» ташкилоти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Қорақалпоғистон Республикасида мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича муайян тажриба тўпланган. Вазирлар Кенгаши томонидан йиллик таҳлиллар амалга оширилиб, уларнинг натижаларига кўра мавжуд муаммолар муҳокама этиб борилади. «Ватанпарвар» ташкилоти, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республика кенгашининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлари мақтаса арзигулик.

Лекин қонун ижросини тўлиқ таъминлаш борасида айрим камчиликлар ҳам бор. Чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитиладиган 593 та ўқув муассасасидан фақат 256 тасигина тўлиқ ўқув жиҳозлари, моддий-техника базасига эга. Уларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳақида тушунча берувчи стенд ва бошқа кўргазмали жиҳозларнинг етишмаслиги, ҳарбий техника қуролларининг макет ва намуналари йўқлиги, чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчилари учун ҳарбий кийимларнинг етишмаслиги каби муаммолар бор. Ҳарбий ўқув юртларига ўқишга юборилган 170 номзоддан фақат 25 нафаригина танловдан ўтган. Бунинг асосий сабаби юборилганларнинг математика, физика, тарих, ўзбек ва қорақалпоқ тили, жисмоний тайёргарлик фанлари бўйича талаб этилган билимга эга эмасликларидир.

***Савол: Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси томонидан чақириққача ёшларни тайёрлашнинг ҳолати бўйича 322 та ўқув муассасаси ўрганилганда, уларнинг 20 таси аъло, 5 таси яхши, 240 таси қониқарли, 112 таси қониқарсиз, деб топилган. Бу ҳолатни қандай баҳолаш керак?***

**Жавоб:** Нафақат шу фандан, балки бошқа фанларнинг ҳам самарадорлигини ошириш бўйича иш олиб бораяпмиз. Яқинда мактаб директорлари аттестациядан ўтказилди. Энди ўқитувчиларнинг ҳам малакаларини ошириш бўйича муайян тадбирлар режалаштирилган. Шу ўринда бир таклиф, университетимизда ҳарбий таълим бўйича дарс берадиган ўқитувчилар тайёрлайдиган факультет ёки кафедра ташкил этилса, бу ҳам келажакда катта самара беради, деб ўйлаймиз.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

# «БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ: ТАЪМИНОТ, СИФАТ, МАСЪУЛИЯТ

## ЁКИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРГА ҚАНДАЙ ТАОМЛАР БЕРИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА»

**Газетамизнинг шу йил 31 март сонида босилган танқидий-таҳлилий мақолада озод ва обод юрт ворислари — келажак авлод тарбияланаётган боғчалардаги аҳвол, таъминот ва шароит билан боғлиқ муаммолар кўтарилган эди. Хусусан, боғча биноларининг замон талабига мослиги, тарбиячи ва шифокорларнинг малакаси, болаларни овқатлантириш сифати билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилганди. Яқинда ана шу мақолага муносабат билдирилган жавоб мактублари олинди. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

«Мақола Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларидаги болалар боғчаларида ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 апрелдаги 136-сонли қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларини тўғридан-тўғри ва айрим озиқ-овқат маҳсулотларини биржа ярмаркалари ҳамда тендер асосида бозор нархидан ошмаган ҳолда шартномалар тузиш ва шартномаларга амал қилган ҳолда харид қилиш бўйича шаҳар ва туман халқ таълими бўлими бошлиқларига топшириқлар берилди.

Ҳудудлардаги айрим болалар боғчаларининг ошхоналарини зарур ускуналар билан жиҳозлаш учун 2005 йил маҳаллий бюджетда кўзда тутилган маблағлар ҳамда шаҳар ва туман маҳаллий бюджет даромадларини режадан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан қўшимча маблағлар ажратишга ва таъминлашга йўналтирилди.

Шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида «Таомнома учун» махсус бланкалар тайёрланиб, муҳрланган таомнома китоби жорий этилиб, ушбу китобда таомномалар рўйхатга олиниб боғчаларга тарқатилмоқда.

Шаҳрисабз туманидаги «Ғунча» боғчаси 110 ўринга мўлжалланган бўлиб, икки қаватли бинода жойлашган. Боғчада бола қатнови ҳар куни 80-75 нафарни ташкил этади. Туман миқёсида қиш ойида газ босими пастлиги сабабли боғча хоналари махсус печлар билан иситилган. Овқат эса боғча ҳовлисидаги ёзги усти ёпиқ ошхонада ўтин ёқиб тайёрланган. 2005 йил 15 март кунидан табиий газ босими кўтарилган.

Яккабоғ туманидаги «Геолог» боғчаси 110 ўринга мўлжалланган бўлиб, икки қаватли бинода жойлашган. Боғчада бола қатнови ҳар куни 100-108 нафарни ташкил этади. Қиш ойларида боғчани электр тармоқлари орқали иситилганлиги учун гоҳида электр энергияси бўлмаганлиги сабабли шу вақтда бола қатнови камайган.

Жойлардаги таъминот идоралари боғчалар учун келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини тўлиқ тарқатиб келган. Текширув давомида таъминотлардаги мавжуд маҳсулотлар нархи бозор нархидан ошмаганлиги аниқланди.

**Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси М.КАРИМОВ»**

●●●

«Танқидий мақолада қайд этилган Ғаллаорол тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Учкунча» ва «Ирмоқча» болалар боғчаларида текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Ғаллаорол тумани халқ таълими бўлими билан туман махсус таъминот базаси ўртасида 2005 йил 3 январь куни «Озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш» ҳақидаги шартномага асосан туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача таълим муассасаларини йил давомида 84 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мажбурияти база зиммасига юклатилган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи томонидан 2000 йил 1 июлда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасидаги болалар ва ўсмирлар муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг бир кунлик рационал меъёрлари»га кўра бола сони ҳисобига ҳар ойда зарур озиқ-овқат маҳсулоти талабнома билан тақдим этилган бўлса-да, ушбу талабномада кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари махсус таъминот базаси томонидан тўлиқ таъминланмаган.

Жумладан, туман халқ таълими бўлимига қарашли 120 нафар бола тарбияланаётган «Учкунча» болалар боғчасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш аҳволи таҳлил қилинганда, 2004 йил давомида меъёрда белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланмаганлиги, 162 кг. ун, 217 кг. ёрма ва макарон маҳсулотлари, 204 кг. шакар, 92 кг. кондитер маҳсулотлари, 6793 литр сут, 826 кг. қаймоқ, 660 кг. сузма, 744 кг. пишлоқ, 83 кг. гўшт, 826 кг. колбаса, 462 кг. балиқ маҳсулотлари, 312 кг. сабзавотлар, 409 кг. хўл мева, 165 кг. қуруқ мева, 46 кг. какао каби озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмаганлиги аниқланган. Шунингдек, 140 нафар бола тарбияланаётган «Ирмоқча», болалар боғчасида ҳам аҳвол шу.

Айни пайтда ушбу мактабгача таълим муассасалари моддий жавобгар ходимлари томонидан мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларининг тўлиқ сақланиши текширилганида, «Учқунча» боғчаси омбор мудири, моддий жавобгар С.Мехтиеванинг жавобгарлигида 483 сўмлик 4 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 670 сўмлик 15 турдаги товар-моддий бойликлари, «Ирмоқча» болалар боғчаси омбор мудири Ф.Холмуродовнинг жавобгарлигида 2532 сўмлик 6 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари камомади аниқланди. Айрим хоналарда электр тармоқлари носозлиги, тарбиячилар навбатдаги профилактик тиббий кўрикдан қайта ўтмасдан ишлаётганлиги, кунлик таомномаларга сут ва сут маҳсулотлари умуман киритилмагани, гўшт маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланмагани, текшириш кунида берилган биринчи овқатнинг қуввати 85 фоизни, иккинчи овқатнинг қуввати 90 фоизни ташкил қилганлиги маълум бўлди. «Ирмоқча» боғчасининг умумий санитария ҳолати қониқарли бўлса-да, ошхонанинг канализация тизими таъмирлашга муҳтожлиги кўринди.

Ўтказилган текшириш натижасига кўра, омбор мудирлари С.Мехтиева ва Ф.Холмуродовлар моддий жавобгарликка, боғча мудиралари М.Тожибоева ва О.Қурбоноваларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 53-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка, туман халқ таълими бўлими мудири И.Умаров ҳамда туман махсус таъминот базаси раҳбари С.Ҳожибоевга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилган.

**Жиззах вилоят прокурори вазифасини бажарувчи, адлия катта маслаҳатчиси П.НАЗАРОВ»**

●●●

«Мақоладаги Навоий вилояти бўйича баён қилинган танқидлар асосли бўлиб, текшириш жараёнида бартараф қилинди, қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

... 19-сонли «Хумо» боғчасида ўтказилган текширишларда, боғчанинг санитария аҳволи талаб даражасида эмаслиги, кўрпачалар янгиланишга муҳтожлиги, чойшаблар сарғайиб, кўринишини йўқотганлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли боғча мудираси И.Утамешовага Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 53-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилди.

Конимех туманида 6 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб «Олтин-калит», «Ак-бута» ва «Булдиршин» боғчалари капитал таъмирланмаган, мослаштирилган бинода жойлашган, замонавий жиҳозлар билан таъминланмаган, спорт анжомлари мавжуд эмас, юмшоқ жиҳозлар ва чойшаблар эскирган. «Ак-марал» ва «Балауса» болалар боғчасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун музлатгич мавжуд эмас.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун туман ҳокими ва халқ таълими бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Навбаҳор туманида 14 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, унда 580 нафар болалар тарбияланмоқда.

Тумандаги 16-сонли «Гулчирой», 1-сонли «Олтин балиқча», 7-сонли «Нилуфар» боғчалари табиий газ, ичимлик суви билан таъминланмаган, иситиш учун қозонхона йўқ, спорт майдончаси талабга жавоб бермайди, болаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон етарли эмас, боғчага тиббий ходим бириктирилмаган, ошхонаси зарур жиҳозлар билан таъминланмаган, музлатгич йўқ, 24 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан картошка, ун, қандолат турлари, сариёғ, колбаса, балиқ, тухум, мева шарбатлари мавжуд эмас, тарбиячилар тиббий кўрикдан ўтмаган.

Юқоридаги камчиликларни бартараф қилиш учун туман халқ таълими бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Тарбиячилар Г.Темирова, М.Шодиева ва Г.Отақуловаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 53-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилди.

Худди шундай камчиликлар Хатирчи туманида мавжуд 7 та мактабгача таълим муассасаларида ҳам аниқланиб, халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди, боғча мудиралари қонунбузилишга йўл қўймаслиги ҳақида расман огоҳлантирилди.

**Навоий вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Б.ШОМИРЗАЕВ».**

**«Ғалла — 2005»**

# КОМБАЙНЛАР МАВСУМГА ШАЙ



Жорий йил ғалла ўрим-йиғимига ҳам саноқли кунлар қолди. Мавсумни тез ва соз ўтказиш, етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда, исроф қилмай ўриб-ташиб олиш осон иш эмас. Бу юмушларга пухта ҳозирлик кўрганларгина ютади.

Ховос тумани машина-трактор парки ҳиссадорлик жамиятида бу борада ибратли ишлар қилинди. Мавжуд 25 та «КЕЙС» русумли комбайнлар аллақачон таъмирланиб, шай қилиб қўйилган. Кўчма устахона, кўчма ошхона, дам олиш учун вагон-уйлар тахт. Хуллас, мавжуд 12306 гектар майдондаги ғалла ҳосилини узоғи билан 20 кун ичида ўриб-йиғиб олиш учун ҳамма имконият бор.

✧✧✧

**Суратларда:** машина-трактор паркининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари; ишлаб чиқариш бўйича раис ўринбосари Баҳодир Саримсоқов, МТП бўлими бошлиғи Ҳомиджон Султонов, «КЕЙС» оператори Тошпўлат Йўлдошев; тажрибали «КЕЙС» оператори Йигитали Дўстёров. У мавсумда 1000 гектар майдоннинг ғалласини ўриб беришга қарор қилган.





**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# «ЕРДАН ЙЎЛ ЙЎҚ, УЧИБ ЎТАЙ ДЕЙИШСА ҚАНОТ...»

**Газетанинг шу йил 7 апрель сонида «Ердан йўл йўқ, учиб ўтай дейишса қанот» сарлавҳали мақола чоп этилган ва унда Олтиариқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимларининг тумандаги «Ўрта Осиё» жамоа корхонаси мол-мулкини сотишдаги баъзи хатти-ҳаракатлари танқид остига олинган эди. Ушбу мақола юзасидан яқинда Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Гадоевдан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилган:**

«...Ушбу мақола газетада эълон қилингандан сўнг «Ўрта Осиё» жамоа корхонасида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текшириш ва корхонанинг бюджет тўловларидан мавжуд боқимандаларини мол-мулкига қаратиш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар Фарғона вилояти прокуратураси томонидан назорат тартибида ўрганиб чиқилган.

Ўрганув натижасида, Олтиариқ тумани ДСИ мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ҳақидаги важларга фақатгина тергов йўли билан ҳуқуқий баҳо берилиши мумкинлиги инобатга олиниб, Олтиариқ тумани ДСИ мансабдор шахсларига нисбатан 2003 йил 19 мартдаги жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор бекор қилинган ва 29 апрель куни қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш учун Олтиариқ тумани прокуратурасига юборилган.

Олтиариқ тумани прокуратурасида мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари тугагандан сўнг, тегишли чора-тадбирлар белгиланишини ва бу ҳақда қўшимча маълумот берилишини маълум қиламиз».

# «ЕВРОПАГА ЙЎЛ»

Берлинда Ўзбекистан Республикаси Бадиий академияси аъзолари Ш.Қўзиева ва И.Шиннинг расмлар кўргазмаси очилди. «Европага йўл» деб номланган кўргазма республикамиз элчихонаси ҳамда «Веркштатт дер Культурен» Германия ноҳукумат ташкилоти билан биргаликда ташкил этилди.

Унда ГФРнинг 150 дан зиёд сиёсат, жамоатчилик ва маданият доиралари, Берлинда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

«Веркаштатт дер Культурен» кенгаши раиси А.Фройденберг ўз нутқида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқаларнинг келгусида янада кенгайиб, мустаҳкамланишида бу каби кўргазмаларнинг уюштирилиши алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Берлинлик мусаввира Г.Куркхауз ўзбекистонлик ҳамкасабаларининг кўргазмага қўйилган ишларини юқори баҳолади. Гумбольдт номидаги Шарқшунослик университети илмий ходими Ж.Дайгели йиғилганлар ҳузурида «Ўзбекистон: Буюк ипак йўлининг уйғониши» мавзуида маъруза ўқиди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги меъморий ёдгорликлар тўғрисида фильм намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА**

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«POYTAXT AUKSION»**

давлат унитар корхонаси томонидан

***2005 йилнинг 14,17,21,24,28 июнь ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.***

***Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:***

*Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 22-уйда жойлашган Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармасининг 1995 й. и/ч, д/р 10 AF 453 бўлган «ВАЗ-21061» русумли.* ***Бошланғич нархи — 670 981 сўм.***

*С.Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтининг 1988 й. и/ч, д/р 10 АК 625 бўлган «ГАЗ-2410» русумли.* ***Бошланғич нархи — 385 000 сўм.***

*Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан 1 соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

*Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «UJB» ТШБ, ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳ/рақамига тўлайдилар.*

*Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.*

**Гувоҳнома №000815**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — ЎЗЛИГИМИЗ, ЎЗБЕКЛИГИМИЗ

Республикага машҳур ҳунармандлар сулоласи вакили Мавлуда Нарзуллаева бугунги кунда унутилаёзган қадимий Ғиждувон каштачилигини тиклаш, асраб-авайлаш ҳамда уни ривожлантириш йўлида тинимсиз изланмоқда. Чевар аёл миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни авлодларга етказиш, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш борасида ҳаракат қилмоқда. Мустақилликдан сўнг у тикувчилик корхонасини ташкил этиб, элликдан ортиқ хотин-қизлар учун янги иш ўринлари очди. Бу ерда каштачиликнинг унутилиб кетаётган усуллари, замонавий шакллари яратила бошланди. Корхона маҳсулотлари хорижликларга ҳам манзур бўлиб, четда ўзбек каштачилик санъати намуналарига талаб тобора ортмоқда. Шу боис ғиждувонлик чеварлар дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда 37 марта иштирок этди.

— Бухоро каштачилиги анъаналарини тиклаш борасида ҳамда ёшларга миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатиш мақсадида «Уста шогирд» мактабини ҳам очдик, — дейди Мавлуда Нарзуллаева. — Бугунги кунда бу ерда йигирмадан ортиқ қизлар каштачиликдан сабоқ олишмоқда.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**



*Суратларда: сулола давомчилари Мустабшира момо Баракаева; Дилноза Нарзуллаева ва Гулруҳ Каримова.*

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**



**15 май — Халқаро оила куни**

*Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.*

**Ислом КАРИМОВ**

# САДОҚАТ САЛТАНАТИ

**Оила муқаддас маскан. Шу боис ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994 йилдан эътиборан 15 майни Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилди. Бундан мақсад барча тинчликпарвар инсониятни, ривожланган давлат раҳбарларини, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг диққат-эътиборини оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишдан иборатдир.**

**Дунёда оила ва никоҳ тарихига назар ташлар эканмиз, Ғарбда 1889 йилда унинг муаммоларига бағишланган илк илмий тадқиқотлар бошланганлигининг гувоҳи бўламиз. Илмий натижаларга кўра, ҳар бир оила ўзига хос қўрғон, муносабатлар макони. Унинг умумий хусусиятлари, ривожланиш жараёни, анъаналари мавжуд.**

**Орадан бир асрдан ортиқ вақт ўтди, оила муаммолари янада долзарб тус олди. БМТ 1994 йилни Халқаро Оила йили деб эълон қилди ҳамда оила масалаларини жинсий тенглик, меҳнат фаолиятида аёлларнинг тенг иштироки, фарзанд тарбиясида ота-она масъулиятининг бараварлиги, муҳтож хонадонларга доимий ғамхўрлик қилиш каби таклифларни илгари сурди.**

**Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг бош мақсади оила, она ва бола, кексаларни ижтимоий муҳофазалашга қаратилгандир. Соғлом турмуш тарзига эга оилалар жамият равнақини белгилаб беряпти.**

**Бугунги кунда Ўзбекистон оилаларининг ўзига хос ютуқлари билан бирга муаммолари ҳам мавжуд.**

**Никоҳи қайд этилаётган ёшлар оила масъулиятини чуқур англаб етяптиларми?**

**Қандай оила барқарор бўлади?**

**Республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари ўринбосари, педагогика фанлари номзоди Даврон ХОЛИҚОВ бу ҳақда шундай мулоҳаза билдирди:**

— Мамлакатимизда оила манфаатини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Конституциянинг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб белгилаб қўйилган.

Статистик маълумотларга кўра, оилалар барқарорлиги жиҳатдан Ўзбекистон энг яхши кўрсаткичларга эга мамлакатлар қаторидан жой олган.

Бутун дунёда бугунги кунда оилалар қайсидир маънода муаммолар гирдобида яшаяпти. Оддий мисол: аср вабоси — ОИТС инсон ҳаётига чанг соляпти, ёшлар орасида гиёҳвандлик, чекиш каби иллатлар мавжуд. Бу каби салбий иллатлар илдизи баъзи хонадонлардаги носоғлом маънавий муҳит, оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар, ўзаро тил топишишнинг мураккаб кечаётганлигига бориб тақаляпти.

Эркак ва аёл ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлса бу оила осойишта ҳаёт кечиради, баркамол фарзандларни вояга етказади. Шунинг учун ҳам БМТ эр-хотинларнинг руҳий-маънавий ва жисмоний қувватлар тенглигига катта эътибор қаратяпти. Шунингдек, меҳнат фаолиятида аёллар иштироки масаласида ҳам муаммолар бор. Баъзи мамлакатларда аёллар меҳнатига ҳақ тўлашда тенгсизликлар кўринади, яъни бир хил меҳнат жараёнида эркакларга нисбатан аёлларга иш ҳақи паст белгиланган.

**— Маълумки, жаҳонда оила никоҳи бир неча тартибда қайд этилади. Айниқса, никоҳ шартномасига аҳамият берилади. Айтингчи, бу оила мустаҳкамлигини таъминлайдими ёки бузилганда томонларнинг манфаатини ҳимоялайдими? Умуман, оила шартномаси кеpакмикин?**

— Аввало, бу шартнома оиладаги мулкий муносабатларни тартибга солади. Бир қарашда бу бироз эриш туюлади, баъзилардан: «бизга тўғри келмайди, болаларимиз яхши ният билан оила қуряпти-ку ахир, қуда-андалар орасига бундай шартнома совуқчилик туширмайдими?» деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз.

Бизга оила шартномаси керакми? Тўғри, шартнома тузиш-тузмаслик ҳар икки ёшнинг ихтиёрида. Лекин оила шартномаси керак. Ҳаётда, турмушда ҳар хил ҳолатлар юз бериши мумкин.

Ҳар бир йигит-қиз балоғат ёшига етгач севишни, севилишни, оила қуришни, бахтли бўлишни орзу қилади. Лекин орзуга эришиш осонмас. Оилавий бахт қасрини қуришнинг машаққати, синовлари бор. Минг афсуски, шу синовларга дош беролмай оила бузилиши ҳам мумкин. Ривожланган давлатларда никоҳ шартномаси тузиш оила қуриш тамойилига айланган.

Нега биз буни тамойил тарзида қабул қилмаганмиз? Сабаби «Оила кодекси»нинг 17-моддасида бу шартномани тузиш ихтиёрий деб белгиланган. Икки ёш бамаслаҳат, оиласининг эртанги истиқболини назарда тутиб, иқтисодий, ижтимоий, маънавий имкониятларини ҳар томонлама ўрганиб, никоҳ шартномасини тузса, бу билан уларнинг никоҳи муҳофазаланади, турли хил тушунмовчиликларнинг олди олинади.

Никоҳ шартномаси бизнинг менталитетимизга ҳали сингиб кетгани йўқ, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Никоҳ шартномаси аввало, оилада дунёга келадиган болаларнинг манфаатини кафолатлайди. Оилада эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини моддий ва маънавий жиҳатдан ҳимоялайди.

Мана, оддий бир мисол. Турмушда бахтсиз ҳодисалар, оила бошига мусибат тушиши мумкин. Одатда кўпинча ёш оилалар йигитнинг ота-онаси, ака-укалари билан бир ҳовлида яшайди. Агар (Худо сақласину) куёв бевақт оламдан ўтса, ёки никоҳ бузилса баъзан келин болалари билан уйсиз қолган ҳоллари ҳам учрайди. Шундай ҳолатда никоҳ шартномаси она ва боланинг мулкий муносабатларини тартибга солади, яъни уларнинг манфаатларини кафолатлайди.

Биз ҳозирги пайтда республика марказидан тортиб то чекка қишлоқлардаги аҳоли ўртасида оила мустаҳкамлигини қандай таъминлаш кераклиги, тўйдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, никоҳ шартномаси, умуман, янги оилада соғлом маънавий муҳит, соғлом турмуш тарзига эришиш омиллари ҳақида тўғри ва етарлича тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш устида жаҳон андозаларига мос дастур асосида иш олиб боряпмиз.

**— Баъзи статистик маълумотлар ҳатто ривожланган давлатларда ҳам ажралиш ҳоллари кўплигини кўрсатмоқда. Афсуски, бизда ҳам оила қуриш кўрсаткичи бироз пасайгандай кўринади. Сабаби нимада?**

— Афсуски, дунё ёшлари орасида оила қуриш масъулиятига енгил-елпи қарайдиганлар кўп учрайди. Чунки бир гуруҳ ёшлар ҳар хил ўткинчи ҳавасларнинг қурбони бўлиб қоляпти, яна бир хиллари ҳаётда мустақил яшашга, оила юритишга моддий ва маънавий жиҳатдан тайёр эмас. Бадавлат хонадонларга куёв бўлиш ва шунинг орқасидан кун кечириш илинжида юрганлар ҳам учраб туради. Улар хотиннинг мулки ҳисобига яшашдан ор қилишмаяпти.

Одатда йигитнинг ори, ғурури бўлмасагина шундай йўл тутади. Турмуш тажрибасига эга ёши улуғлар балоғат остонасида турган ёшларга эркак оиланинг устуни, бошлиғи, ор-номуси, шаъни эканлигини тўғри тушунтириб бориши зарур.

Яна бир масала — ёш оилалар сони камайишига аҳоли орасидаги миграцияланиш жараёни ҳам салбий таъсир кўрсатяпти.

Зотан, бугун юртимиздаги оилаларнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Статистик маълумотларга қараганда, 2003 йилда Ўзбекистонда жами 161747 та никоҳ қайд этилган эди. Бу ҳар минг кишига 7 тадан янги оила тўғри келади, деганидир. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, кейинги ўн йил ичида оила ажримлари 1,5 бараварга камайди. Лекин муаммоли ҳамда оила никоҳи барбод бўлаётган ҳолатлар ҳам бор. Биламизки, оилавий ажримлар ўз навбатида қатор моддий ва маънавий муаммоларни пайдо қиладики, бундан аввало, болалар азият чекади, жамиятнинг маънавий ривожига путур етади.

Оила — мустаҳкам қалъа. Зотан, оила остонасидан диёнат соқчиси орқалигина садоқат салтанатига кириб борамиз. Бу садоқат салтанатининг осойишталиги жамиятнинг барқарорлигини белгилаб беради...

**Суҳбатдош:**
**Саида САЙХУН**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# XORIJDA

## КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ



Словакия парламенти кенгайган Европа Иттифоқининг Конституцияси ҳақидаги келишувни имзолади.

— Бу Словакия тўғри йўналишда ривожланаётганидан далолат беради, — деди сайловдан кейин мамлакат бош вазири Микулаш Дзуринда.

Мамлакат ташқи ишлар вазири Эдуард Кукан имзоланган ҳужжатни 25 аъзо давлатнинг келишуви сифатида эътироф этди.

## СОБИҚ ВАЗИР ҲИБСДА

Колумбиянинг собиқ адлия вазири Альберто Сантофимио Ботеро 1989 йилдаги сайловларда номзод бўлган Луис Карлос Галанга суиқасдни ташкил этганликда айбланиб, ҳибсга олинган.

Мамлакат Бош прокуратураси вакилларининг маълумот беришича, Сантофимионинг қотилликка алоқадорлигини тасдиқловчи материаллар етарлича тўпланган.

Галан сайловолди намойиши пайтида мамлакат пойтахти Боготада отиб ўлдирилганди. Шу пайтгача бу жиноят наркобарон Пабло Эскобар томонидан амалга оширилган деб ҳисоблаб келинган.

## ЙЎНАЛИШИНИ ЎЗГАРТИРИШГА МАЖБУР БЎЛДИ



Париждан Бостонга парвоз қилаётган Франциянинг Air France авиакомпаниясига қарашли Airbus A330 лайнери АҚШ ҳукумати талабига биноан йўналишини ўзгартириб, Мэн штатининг Бангор аэропортига қўнишга мажбур бўлди.

Маълумотларга кўра, самолётда АҚШ ҳудудидан учиб ўтиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс бор эди.

Самолётни Бангор аэропортида АҚШ ҳаво транспорти бошқармаси ва Федерал текширув бюроси ходимлари кутиб олишди.

## БЕЗГАК ИККИ БАРАВАР КЎП

Дунё бўйича безгакка чалинганлар сони Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистикасида қайд этилган рақамлардан икки баравар кўпдир, дейилади Nature журналида чоп этилган манбада. Кения пойтахти Найробидаги Ишонч жамғармасининг тадқиқот маркази илмий ходими Роберт Сноунинг айтишича, йилига дунё бўйича ярим миллиардга яқин одам айнан безгак касали билан оғрир экан. Бироқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоб-китобларида бу рақамлар кам кўрсатилган. Масалан, 2002 йили 273 миллион киши безгакка чалингани қайд этилган. Аммо ўша йили норасмий ҳисоб-китобларда 550 миллион одам айнан безгак билан оғригани аниқланган. Хўш, ҳаётий воқелик билан қоғоздаги рақамлар нега бир-бирига тўғри келмайди? Боиси, — дейди Сноу, — айрим ривожланмаган мамлакатларда кўпгина беморлар дўхтирларга мурожаат этмайди, энг ачинарлиси, айрим давлатларда беморлар рўйхати Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига тўлиқ берилмайди, касаллар сони яширилади.

Шунинг учун ҳам Сноу етакчилигидаги олимлар гуруҳи безгак хавфи кучли бўлган ҳудудлар бўйича махсус харита ишлаб чиқдилар. Эндиликда экспертлар шу харита ёрдамида ишлаб, манбаларни солиштирмоқдалар ва хавфли ҳудудларда профилактика чораларини кучайтириш борасида иш олиб бормоқдалар.

Олинган натижалар жаҳон жамоатчилигини бу касаллик тўғрисида жиддийроқ бош қотиришга мажбур этса ажаб эмас.

## ЕИ АЪЗОЛАРИ ОГОҲЛАНТИРУВИ

Эрон билан ўтказилаётган музокараларда иштирок этаётган Европа Иттифоқининг уч аъзо мамлакати, яъни Буюк Британия, Франция ва Германия ядро қуролини яратиш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида Теҳронни огоҳлантирди.

Расмий мурожаатномада айтилишича, Эрон уранни бойитиш бўйича ишларни тиклайдиган бўлса, ЕИ Эроннинг ядро дастури масаласини БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига қўйиш ҳақидаги АҚШ таклифига қўшилишини маълум қилди.

## ЭНГ ЯХШИ АЭРОПОРТ

Интернетнинг ILOVECZ.ru сайтидаги хабарда ёзилишича, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги аэропортлар орасида энг яхшиси Праганинг Ruzyne аэропорти экан. 86 мамлакатда ўтказилган ўзига хос сўровномада деярли 5 миллион йўловчи иштирок этди.

Намунали аэропорт сифатида иккинчи ўрин Москванинг «Домодедово»сига, учинчи ўрин эса Варшава аэропортига насиб этди.

Бир йил аввал ҳам биринчи ва иккинчи ўринни Прага аэропорти ва Москванинг «Домодедово»си қўлга киритган эди.

## ПОРТЛАШ ТУФАЙЛИ

Хитойдаги Хэйлунцзян музофотида жойлашган коннинг портлаши оқибатида тўққизга яқин кончи ҳалок бўлди. Айни пайтда мутахассислар конга тергов комиссияси кириши учун тўпланиб қолган газни тортиб чиқаришмоқда.

## ВАЗИЯТДАН ФОЙДАЛАНИБ



БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилувчи халқаро бошқармаси хабар беришича, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи шахслар Ироқдаги вазиятдан фойдаланиб, ўз мамлакатлари орқали Афғонистонда етиштирилган героинни Европага жўнатишган.

Иордания ҳукуматининг маълумотига кўра, мамлакат ва Ироқ чегарасида катта миқдордаги гиёҳванд моддалар ушлаб қолинган. Афғонистонда етиштирилган гиёҳванд моддалар Иордания орқали Европага етказилар экан.

## ХОТИРАНИ ЯХШИЛОВЧИ ДОРИ



Америка олимлари хотирани яхшиловчи дори ишлаб чиқишди. У CX717 деб номланди.

Дори мияда хотирани кучайтиришга ёрдам берувчи глутамин кислотасини кўпайтиради.

— Бу дори нейронлар орасидаги алоқани яхшилайди. Одам чарчаганда айнан шу алоқа ёмонлашади, — деди кашфиётчи олим Гари Линч.


## ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчиларни қабул қилади**

- *Бухгалтерия ҳисоби;*
- *Металлургия корхоналарида юк кўтариш машиналари ва транспортерлар;*
- *Қора ва рангли металларни эритиш ва қуйиш;*
- *Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика;*
- *Саноат корхоналарида ва фуқаро иншоотларидаги электромонтаж ишлари;*
- *Тоғ-кон электромеханикаси;*
- *Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ҳамда ишлатиш.*



**Ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**

- ✓ *Директор номига ариза;*
- ✓ *086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- ✓ *3х4 ҳажмда 6 дона сурат;*
- ✓ *Турар жойидан маълумотнома;*
- ✓ *Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт;*
- ✓ *Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.*

Шунингдек коллежимизда математика (алгебра, геометрия), она тили ва адабиёт фанларидан 3 ойлик тайёрлов курслари фаолият кўрсатмоқда.

**ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!**

**Манзил:** Олмалиқ шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси, 25-уй.
**Телефонлар:** (8.261) 4-49-54, 4-49-68, 4-81-55.

## АНГРЕН КЎМИР САНОАТИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилади:**

- *Тоғ жинсларини қазиб олиш машина ва жиҳозлари;*
- *Темир йўл транспортидан фойдаланиш;*
- *Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика;*
- *Пайвандлаш;*
- *Тоғ-кон электромеханикаси;*
- *Темир йўл станцияларига хизмат кўрсатиш;*
- *Бухгалтерия ҳисоби;*
- *Тижорат фаолияти;*
- *Биржа фаолияти;*
- *Котиба-референт;*
- *Куч агрегатларини йиғиш.*





**Шунингдек, қазилма бойликларини қазиб олиш ҳамда қазиш жараёнида портлатиш ишлари йўналишлари бўйича 11-синфни тугатган ўқувчилар шартнома асосида қабул қилинади.**

**Коллежга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

- *Директор номига ариза;*
- *086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *3х4 ҳажмда 6 дона сурат;*
- *Турар жойидан маълумотнома;*
- *Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт;*
- *Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат;*
- *Педагогик-психологик тавсиянома.*

**ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!**

**Манзил: Ангрен шаҳар, Оҳангарон кўчаси, 5/2 даҳа. Тел: (8-266) 3-48-37, 2-23-29.**

Спорт

# ПЕКИНГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Дзюдонинг Шарқ яккакураши сифатида эътироф этилишини ҳисобга олсак, нуфузи жиҳатидан бу мусобақа жаҳон чемпионатига тенглаштирилади. Хўш, кейинги йилларда халқаро майдонларда юқори натижаларга эришаётган Ўзбекистон терма жамоаси шарафини Осиё чемпионатида кимлар ҳимоя қилади? Бугун баҳсларга киришадиган курашчиларимизнинг аксарияти мухлисларга яхши таниш. Улар Халқаро турнирлар, жумладан, қитъа ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари, Афина олимпиадаси қатнашчилари бўлган дзюдочилардир.

Мусобақада 60 килограмм вазн тоифасида Ўзбекистоннинг биринчи рақамли спортчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Санжар Зокиров гиламга чиқади. Чирчиқлик мураббийлар Сервер Мурадасилов ҳамда Андрей Штурбабинларнинг бу шогирди эндигина йигирма икки ёшга тўлган. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати олтин медалига сазовор бўлган иқтидорли дзюдочи Санжар Зокировга мутахассислар Осиё чемпионатида ҳам катта ишонч билдиришмоқда.

Афина олимпиадасида 66 кг. вазн тоифасида Ватанимиз шарафини Мурод Каликулов ҳимоя қилганди. Терма жамоа мураббийлари Тошкент баҳсларида унинг ўрнига илк маротаба Сергей Петрянинни синаб кўришга қарор қилишди.

— Юртимизда иқтидорли дзюдочилар сони тобора ортиб бораётганлиги қувонарлидир, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Сервер Мурадасилов. — Осиё чемпионати олдидан терма жамоа номзодлари бир қатор халқаро турнирлар, муҳим ўқув-йиғин машғулотларида қатнашдилар. Асосий таркибдан жой олиш учун айрим вазн тоифалари бўйича бир неча моҳир дзюдочиларнинг даъвогар бўлганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, 73 кг. вазн тоифасида бир йўла уч спортчи — Эгамназар Акбаров, Шокир Мўминов, Наврўз Жўрақобиловлар ўртасида ўзаро алоҳида учрашув ўтказилди. Якунда Осиё чемпионати совриндори, Бутунжаҳон универсиадаси ғолиби, Афина олимпиадаси қатнашчиси Эгамназар Акбаров Тошкентда ўтадиган қитъа баҳсларида гиламга чиқадиган бўлди. Шунингдек, 81 ва 90 кг. вазн тоифалари бўйича ҳам терма жамоа аъзолари шу тарзда аниқланди. Кейинги йилларда мухлислар 81 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони, Афина олимпиадаси иштирокчиси Рамзиддин Саидовнинг баҳс олиб борганини жуда яхши билишади. Аммо бу галги чемпионатда Лазиз Йўлдошев гиламга тушади. Шунингдек, 90 кг. вазн тоифасида терма жамоамиз таркибига илк бор қўшилган Хуршид Набиев тўғрисида ҳам илиқ фикрларни билдириш мумкин. Гарчи у эндигина йигирмага кирган бўлса-да, ёшлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медали совриндори, халқаро турнирлар ғолиби сифатида катталар ўртасида ҳам ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатишига ишонамиз.

Дзюдо ишқибозлари бундан ташқари, мусобақанинг оғир вазн тоифаларида Ўткир Қурбонов (100 кг.), Ўткир Саломов (+100 кг.), Абдулла Тангриев (мутлақ) сингари моҳир курашчиларимиз беллашувларининг ҳам гувоҳи бўлишади. Аёллар ўртасида уюштириладиган баҳсларга ҳам терма жамоа пухта ҳозирлик кўрган.

— Жамоамиз учун шу йил 24-25 март кунлари Алматида ўтган халқаро турнир муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади, — дейди Ўзбекистон аёллар терма жамоаси мураббийи Олим Қўлдошев. — Йигирмага яқин давлат қатнашган ушбу мусобақада қизларимиз битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлишганди. Терма жамоа аъзолари охирги тайёргарлик машғулотларини Чирчиқ ва Тошкентда маромига етказдилар. Осиё чемпионатида қатнашадиган барча дзюдочиларимиз совринли ўринлар учун гиламга чиқишади. Мутахассислар айниқса, терма жамоа аъзолари Осиё чемпионати совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси Зинура Жўраева, ёшлар ўртасида қитъа чемпионати бронза медали соҳибаси Мария Шекирова (+78 кг.)ларга умид билан қарашмоқда.

Шунингдек, аёллар ўртасида қолган вазн тоифаларида Аниса Кагарманова (52 кг.), ёшлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби Ирода Абдураҳмонова (57 кг.), Тамара Кандаурова (63 кг.), Дилдора Тўрақулова (70 кг.). қитъа чемпионати совриндори Елена Могилина (78 кг.)лар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

*Суратда:* *мамлакатимизнинг етакчи дзюдочиларидан бир гуруҳи*
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## ТАЙСОНГА ЯНА БИР РАҚИБ



Янги Зеландия чемпиони ўта оғир вазнли боксчи Шейн Кэмерон шу кунгача 12 та ғалабага эришиб, мағлубият нималигини билмай турибди. У шу кунларда АҚШнинг Аризона штатидаги Финикс шаҳрига боришни ва у ерда қандай бўлмасин Майк Тайсон билан учрашишни мўлжалламоқда.

Маълумки, Тайсон бу ерда Кевин Макбрайд билан бўлажак жангга шайланмоқда. Қизиғи шундаки, Шейн дароз боксчилардан бўлиб, бўйи 190 сантиметр, вазни 238 футга тенгдир. У кучли зарб соҳиби. Хусусан, яқинда австралиялик чемпион Колин Уилсонни нокаутга учратди.

## ФУТБОЛЧИНИНГ ОНАСИ ҚУТҚАРИЛДИ

Бразилия полицияси мамлакат терма жамоаси ҳамда «Порту» клуби футболчиси Луис Фабианнинг онасини қидириб топди. 45 ёшли Сара Элена Клементе 61 кун Сан-Пауло шаҳридан 100 километр узоқликдаги дала ҳовлига яшириб қўйилган эди. Полиция онани ўғирлаган эр-хотиннинг уйига бостириб кирганда, улар усталик билан қочиб қолишди. Сара эса ҳеч қандай зарар кўрмасдан озод бўлди.

## ҒОЛИБГА БЕШ МИЛЛИОН ФРАНК

УЕФА кубоги ғолибига беш миллион Швейцария франки бериладиган бўлди. Ҳал қилувчи учрашувда имкониятни бой берган жамоага 3,5 миллион франк топшириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, армиячилар клуби мухлисларига 2,5 мингта чипта тарқатиш учун берилган. Айни пайтда «Спортинг» клубига саккиз мингта чипта тақдим этилган. Чипталардан маълум қисми меҳмонларга, қолгани эса эркин савдога чиқарилар экан. Бугуннинг ўзида 47 мингта чиптани сотиш мўлжалланмоқда.


## «УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖ

**акциядорлари диққатига!**

Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги «Учқўрғон-ёғ» ОАЖ акциядорларининг 2004 йил молиявий натижаларига бағишланган умумий йиғилиши шу йил 17 июнь куни соат 11.00 да жамият мажлислар залида бўлиб ўтади.

*Рўйхатга олиш 17 июнь куни соат 9.00 да бошланади:*

***КУН ТАРТИБИ:***

*1. Жамият бошқарувининг 2004 молия-хўжалик йили якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.*
*2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.*
*3. 2004 йил якуни бўйича жамият аудитори хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.*
*4. Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботини ва қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.*
*5. 2004 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида.*
*6. Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш тўғрисида.*
*7. Жамиятнинг 2004 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тартибини ва дивидендлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида.*
*8. Жамиятнинг 2005 йил учун бизнес-режасини ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида.*
*9. Кузатув кенгашининг амалдаги таркиби ваколатларини бир йилга узайтириш тўғрисида.*
*10. Жамият тафтиш комиссиясини янгидан сайлаш тўғрисида.*
*11. Жамият бошқарувини қайта сайлаш тўғрисида.*
*12. 2005 йил учун жамиятнинг аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида.*
*13. Кузатув кенгаши, жамият бошқаруви, саноқ ва тафтиш комиссияси аъзоларини тақдирлаш тўғрисида.*

***«Учқўрғон-ёғ» ОАЖнинг 2005 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси***

***(минг сўм)***

| | |
|---|---|
| 1. Узоқ муддатли активлар | – 462337 |
| 2. Оборот активлари | – 3979622 |
| Актив бўйича жами | – 4441959 |
| 3. Ўзлик маблағларининг манбалари | – 1097735 |
| Шу жумладан устав фонди | – 100065 |
| 4. Мажбуриятлар | – 3344224 |
| Баланснинг пассиви бўйича жами | – 4441959 |

***«Учқўрғон-ёғ» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий натижалари.***

***(минг сўм)***

| | |
|---|---|
| 1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум | – 5671511 |
| 2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) | – 44388 |
| 3. Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) | – 44388 |
| 4. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) | – 7601 |

***Манзил: Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Қурбоналиев кўчаси, 2-уй.***

**«Учқўрғон-ёғ» ОАЖ Кузатув кенгаши**





## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 141-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

**1 ТУР**
58
81
4
39
7
25
Сони: 1
Автомагнитолла
Чипта рақами
90016533.3
**2 ТУР**
5
36
44
34
9
15
48
47
74
59
51
77
40
68
33
22
73
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
30006019.1
**3 ТУР**
29
31
19
50
86
56
72
41
89
70
90
88
75
43
66
63
60
76
65
8
45
23
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
60015044.1
**4 ТУР**
6
38
2
79
13
67
10
64
37
69
57
71
55
26
32
12
83
24
54
82
Сони: 1
Сумма: 500000
Чипта рақами
40019782.1
**5 ТУР**
52
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
20013214.3
**6 ТУР**
30
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
10008357.3
70003284.2
**7 ТУР**
46
Сони: 4
Телевизор
Чипталар рақами
30008813.2
50012178.2
90001614.3
90016068.1
**8 ТУР**
84
Сони: 5
Сумма: 25000
**9 ТУР**
27
Сони: 5
Сумма: 15000
**10 ТУР**
53
Сони: 4
Сумма: 10000
**11 ТУР**
17
Сони: 6
Сумма: 5000
**12 ТУР**
78
Сони: 7
Сумма: 3000
**13 ТУР**
49
Сони: 11
Сумма: 2000
**14 ТУР**
61
Сони: 17
Сумма: 1000
**15 ТУР**
80
Сони: 12
Сумма: 800
**16 ТУР**
35
Сони: 21
Сумма: 600
**17 ТУР**
14
Сони: 61
Сумма: 500
**18 ТУР**
20
Сони: 94
Сумма: 400
**19 ТУР**
42
Сони: 123
Сумма: 300
**20 ТУР**
16
Сони: 255
Сумма: 300
**21 ТУР**
3
Сони: 354
Сумма: 300
**22 ТУР**
87
Сони: 597
Сумма: 300
**23 ТУР**
21
Сони: 932
Сумма: 300
**Қўшимча тур**
Сони: 30
Сумма: 900
**Халтадан чиқмаган шарлар:**
**1, 11, 18, 28, 62, 85**



*«Яхши Ният Лаҳзали» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами (халтада қолган): 1, 11, 18, 28, 62, 85*

| Тўғри келганлар сони | Ютуқ сони | Сумма | Чипта рақами |
|---|---|---|---|
| 4 | 1 | 1000000 | 21087516,1 |
| 3 | 41 | 1000 | |
| 2 | 1160 | 300 | |
| 1 | 13247 | 100 | |

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти «Лаура» ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8-уй.

Мўлжал: «Украина» дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда «Лаура» ХФ ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

**«ЯХШИ НИЯТ» телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.**



## «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

**харидорларни марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф қилади**

Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

**Биржа савдоларига қуйидаги давлат объекти қўйилган:**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳожибоев кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли «Академтаъминот» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги «Кисловодск» модулининг ёрдамчи биноси ва ёғочни қайта ишлаш цехи.

**Бошланғич нархи — 35 248 000 сўм.**

Шу мулкнинг эгаси бўлишни истасангиз, биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35- ва 45-хоналар. **Телефонлар:** 136-15-29, 136-28-75, 144-44-73, 144-44-72.

*Хизматлар лицензияланган*



**Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан**

## ХАЛҚ БАНКИ

**мижозларга 20 га яқин омонат турларини жорий этган ҳолда янги «Келажак» — муддатли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Омонатга пул маблағлари 1 йил муддатга, камида 10 000 сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Мазкур омонатда сақланган маблағларга ҳар ойда фоиз даромади ҳисобланиб, омонатчининг талабига кўра исталган вақтда берилади.

**ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!**

**Мурожаат учун телефонлар:** 173-69-15, 173-69-16 (ички 126, 109)


«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи **Абдумўмин ТИЛОВОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказнинг ходими Фотима Аҳмадалиевна Ҳамроевага отаси **Аҳмадали Ғаибназарович ҲАМРОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Zayniddin MAMADALIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***



**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



Г — 454
9213 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 02.00.
Topshirish vaqti — 02.20
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda